# Qumqo'rg'on tuman Hokimligi huzuridagi Tadbirkorlik sub'ektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish inspeksiyasi

Yuridik shaxsning davlat ro'yhatidan o'tkazilganligi haqida

# G U V O H N O M A*

Reestr raqami № **YU – 407 a** № 407

" 22 " avgust 2014 yil

Mazkur guvohnoma ***"QUMQO'RG'ON METANGAZ"***

*Mas'uliyati cheklangan jamiyati*

yuridik shaxsga berildi.

| | | |
|---|---|---|
| | | ТХШТ |
| Tashkiliy – husussiy shakli: | *mas'uliyati cheklangan jamiyati* | 1153 |
| | | МШ |
| Mulkchilik shakli: | *jamiyat* | 142 |
| | | МХБТ |
| Pochta manzili: | *Qumqo'rg'on tumani "Jiydali" maxallasi* | 1722214584 |
| | | КТУТ |
| Yuridik shaxs kodi: | | 22124228 |
| | | ХХТУТ |
| Tarmoq kodi: | *Savdo* | 71211 |
| | | СТИР |
| Soliq to'lovchining identifikatsion raqami: | | 300581805 |

Qo'shimcha ma'lumotlar- Ilgari 03.10.2007 yil Yu-407 sonli reestr bilan ro'yxatga olingan. "QUMQO'RG'ON METANGAZ" xususiy korxonasi "QUMQO'RG'ON METANGAZ" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga aylantirildi.

M.O'

Inspektsiya boshlig'i :- SH. Q. Jalilov

*Ro'yxatdan o'tkazilganligi to'g'risidagi guvohnomani qalbakilashtirish qonun bilan ta'qib qilinqadi.*

# ҲИСОБ-ШАРТНОМА № 6

(сиқилган табиий газ сотиш-олиш учун)

«13» 01 2022 йил Қумқўрғон тумани.

«Qumqo'rg'on metangaz» МЧЖ номидан кейинги ўринларда «Сотувчи» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи бошлиқ **А.Кучаров** бир томондан, Аму-Сурхон ИТХБ хузуридаги НС ва ГБ номидан кейинги ўринларда
(корхона,ташкилот номи)
«Харидор» деб юритилади, Низом асосида иш юритувчи Н. Абдурашидов
(Устав,Низом) (лавозими, фамилияси, исми)
иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

## 1.Шартнома предмети.

1. «Сотувчи» маҳсулот билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олади. «Харидор» олинган маҳсулот ишлатилишини ва махсулот учун белгиланган тартибда туловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

| Товар–моддий бойликнинг номи | Улчов Бирлиги | Микдори | Нархи | ҚҚС | | Жами сумма акциз ва ҚҚС билан (минг сум |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Ставка 15% | Суммаси | |
| **Сиқилган табиий газ** газбаллонли автомашиналар учун (СПГ) м.кубда(митан) | М3 | 2500 | 2400 | 15% | 782608,69 | 6000000 |

Жами тўлашга ҚҚС билан 6000000 (Олти миллион) сум
(сумма сўз билан)

1.1. «Харидор» га махсулотни Узбекистон Республикаси конунлари ва солик кодексига асосан акциз солиги суммасининг узгариши билан амалга оширилади.
1.2. «Сотувчи» автомобилларга сиқилган газ тўлдириш компрессор станция (АСГТКС)си орқали «Харидор» автомашиналаридаги газ баллонларни газ тўлдириш билан амалга оширилади.
1.3. Таъминот санаси бўлиб «Харидор» автомашинасининг газ олган вақти ҳисобланади.

## 2. Ҳисоб-китоблар тартиби.

2.1. Шартноманинг тузилиш вақтидаги умумий сумма 6000000 (олти миллион) (шундан ҚҚС 782 608,69 сумни ташкил этади) сўм.
2.2. Сиқилган таббий газнинг 1 м$^3$ ҚҚС билан маҳсулот учун тўлов олинган кундаги нарх билан амалга оширилади.
2.3.Сиқилган таббий газни қуйиш "Харидор" томонидан "Сотувчи" ҳисоб рақамига олдиндан 100% пул маблаҕи кўчирилгандан сўнг "Харидор" томонидан тақдим қилинган рўйхат, ишончнома ва белгиланган тартибдаги тарқатиш ведомости (№ 1 илова) га асосан кўчирилган пул маблаҕи доирасида амалга оширилади.

## 3. Махсулот сифати.

3.1. «Сотувчи» томонидан берилаётган махсулот сифати Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган ГОСТ 27577-87 га тўғри келади.

## 4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. «Харидор» автомабилларнинг техник холатини, техника хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлигини ва газ баллон ускуналарининг экологик ва санитария хавфсизлигининг сакланиши юкланади.
4.2. «Харидор» мажбур: а) автомабилнинг газ баллон ускуналаридан фойдаланишда «босимда ишлайдиган идишларнинг тузилиши ва хавфсиз ишлатиш қоида»си, тегишли барча харакатдаги қўлланмалар ва йўриқномалар талабларини тўлиқ сўзсиз бажаришга.
б) Автомобилнинг моддий қисми ва газ баллон ускунасини доимо соз ҳолатда сақлашга.

в) Йўл варақасида балонлар сони, ва уларнинг геометрик хажми, техник холати тўғрисида белги қўйишга.
г) Автомобилга газ қўйиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олишга.
д) Баллонлар геометрик хажмини 0,5 аниқликдаги маълумотларини автомобил техник паспортида ёки қўшимча варақда автомобил қисмида махсус табличкада ёзиб кўрсатиш.
4.3. «Сотувчи» зиммасига «АСГТКШ»да жорий таъмирлаш ишлари бошланишидан 1 (бир) кун олдин, капитал ремонт ишлари бўлишидан 15 (ўн беш) кун олдин «Харидор» ни хабардор қилиш юклатилади.
4.4. Таъминотчи мажбур:
а) Махсулот таъминотини ушбу шартнома шартлари ва нормалари доирасида олиб боришга.
б) «Харидор» томонидан белгиланган тартибда газ қўйиш регламенти ва ушбу шартнома шартларининг бажарилмаслиги, «Сотувчи» томонидан сиқилган таббий газ қўйиш шартларини бажармаслигига олиб келади.

## 5. Газнинг ҳисоби ва хисоб тартиби.

5.1. «Харидор»га берилаётган сиқилган таббий газнинг миқдори, «Сотувчи»нинг 3 дона КПГ-2 маркали (завод рақами № 145,146,147) газ қуйиш колонкаси, «Узстандарт» агентлиги «Метрология хизматлари кўрсатиш маркази» Давлат корхонаси томонидан берилган №05-3337-2009-сонли «ўлчаш воситаларини метрологик шаходатлаш сертификати» ва коомпрессорга маркаси ЗГШ 1,6-0,8|6-251 (завод раками № 031) Узбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими, «Саноатконтехназорат» Давлат назорат инспекцияси товарларни сертификатлаш бўлими томонидан берилган UZ SMT.01.047.0850736-сонли «мувофиқлик сертификати»га асосан, «Истеъмолчи»га берилаётган газнинг хажми ва миқдорининг ҳисоби олиб борилади.

## 6.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.

6.1. Сиқилган таббий газнинг ушбу шартномада белгилангандан ортиқча олиниши қўшимча келишув битими билан расмийлаштирилади.
6.2. Берилган сиқилган таббий газ учун тўловлар «Харидор» томонидан кечиктирилса хар бир кечиктирилган кун учун 2% устама ҳисобланади.
6.3. «Сотувчи» томонидан шартномада белгиланган талабларнинг бажарилмаслиги 0,2% бажарилмаган қисмига устама ҳисобланади.
6.4. Мажбуриятларининг тўлик бажарилишини, сиқилган таббий газ учун тўловларнинг вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида «Сотувчи», «Харидор»дан нотариал идорада тасдиқланган мулкини бериш тўғрисидаги кафолатини талаб қилиши мумкин.
6.5. Ушбу ҳисоб шартнома шартларининг қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида жавоб берадилар.

## 7. Форс-мажор.

7.1. «Сотувчи» ва «Харидор» томонидан сиқилган таббий газ бериш ва қабул қилишини камайтиришлари қўйидаги ҳолларда зиммаларига жавобгарлик юкламайди .
а) олдиндан билиб бўлмайдиган электр энергия таьминоти узилганда, худуд магистрал газ узатгичларида авария холатлари рўй берганда.
в) магистрал газ узатгичда, электр тармоқларида навбатдаги капитал таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда, пайвандлаш ишлари олиб борилаётган вақтда.

## 8. Амал қилиш муддати ва бошқа ҳолатлар.

8.1. Ушбу ҳисоб шартнома томонлар томонидан имзолангандан кейин Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва 2022 йилнинг «31» декабргача амал қилади.
8.2. Ушбу ҳисоб шартнома 2(икки) нусхада тузилган ва томонлар учун бир хил юридик кучга эга.
8.3. Ушбу ҳисоб шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари доирасида кўриб чиқилади.
8.4.Ушбу ҳисоб шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ўзаро келишуви билан киритилади.

**9. Келишмовчиликлар ҳал этилиши.**

9.1.Томонларда келишмовчиликларнинг пайдо бўлиши, ўзаро келишувларда асосида ҳал қилинади. Ҳал этилмаган қисмлари судлар орқали Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунлар доирасида ҳал қилинади.

**10 Коррупцияга қарши курашиш**

10.1.Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши кураш тўгрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган хар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора яъний Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбурияларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян харакатлар содир этиш ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу харакатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилшига кафолат беради.

10.2. Агар шартнома бўйича бир тараф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимининг ахлоққа тўгри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига зид келадиган хатти-харакатларига,шу жумладан, коррупсияга оид хуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу хақида қуйдаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак;

**"1008" ишонч телфонни: Telegram-канали(« @ anticorbot»);**

**10. Томонларнинг реквизитлари:**

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| **«Қумқўрғон метан газ» МЧЖ** | Аму-Сурхон ИТХБ |
| Қумқўрғон тумани | хузуридаги НС ва ЭБ |
| **Х/Р**:20208000804650545001 | Термиз шахри Есеник 8 |
| **МФО**:00914 **ИНН**:300581805 | 1000218602424017042940470005 |
| ТИФ МИЛЛИЙ БАНК | ИНН 200475210 |
| Қумқўрғон филиали | ОКЭД 01613. |
| **ОКОНХ**: 71211 | |
| Тел: 974079083 | |
| М.Ў. | М.Ў. |
| | **ЎзРесп.Молиявазирлиги Ғазначилиги** |
| | **ИНН: 201122919 Б/К (МФО): 00014** |
| | **Тошент шахар Марказийбанки ҲККМ** |
| | **х/р: 23402 00030 01000 01010** |
| РАХБАР: [signature] А.Кучаров | РАХБАР: А. Абдурашисов. |

Ҳуқуқшунос хулосаси:

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси туғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган.

Шартнома лойҳасининг шартлари, ҳусусан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби, форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш масалалари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

«13» 01 2021 йил /[signature]/ Г. Сафарова
(имзо)